МЕҲРИБОНЛИК УЙЛАРИ ТАРБИЯЛАНУВЧИЛАРИНИ ИЖТИМОИЙ ҲАЁТГА ТАЙЁРЛАШ ТИЗИМИНИ МОДЕРНИЗАЦИЯЛАШНИНГ АМАЛИЙ-ТЕХНОЛОГИК АСОСЛАРИ

Ў.Асқарова

Мақола етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни тарбиялаш ва ўқитиш тизимини такомиллаштириш, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш тизимини модернизациялаш масалаларига бағишланган.

***Калит сўзлар**: етим болалар, ота-она қарамоғисиз қолган болалар, меҳрибонлик уйи, ижтимоийлашув,*

Статья посвящена вопросам совершенствования системы воспитания и обучения детей-сирот и детей, оставшихся без родительской опеки, модернизации системы подготовки воспитанников домов милосердия к социальной жизни.

***Ключевые слова**: дети-сироты, дети, оставшиеся без родительской опеки, дом милосердия, социализация,*

The article is devoted. To the improvement of upbringing andof the system of education modernization of the system of preparation of the pupils of orphan asylum to social life

***Key words**: orphan chidren, chidren levoid of parentscare, charity house, socialization.*

Дунё аҳолисининг салкам учдан бир қисми ҳисобланган болаларга ғамхўрлик кўрсатиш, уларнинг тарбияси ва ўқиши учун етарли шарт-шароит яратиш, соғлигини муҳофаза қилиш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш устувор йўналиш сифатида алоҳида аҳамият касб этади. Айниқса, етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда давлат ва ижтимоий институтлар ҳамкорлигининг педагогик механизмларини такомиллаштириш, ижтимоий иш ходимларининг касбий компетентлигини ривожлантириш, бундай болалар учун мўлжалланган муассасалардаги тарбия тизимини модернизациялашга катта эътибор қаратилмоқда. Дунёнинг ривожланган давлатларида етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни оила муҳитида тарбиялаш ва ривожлантиришнинг инновацион тизимлари ишлаб чиқилаётганлигини алоҳида қайд этиб ўтиш мақсадга мувофиқ.

Мустақиллик йилларида республикамизда БМТнинг Минг йиллик ривожланиш мақсадлари (МРМ) ҳамда болалар ҳуқуқларини амалга оширишга мувофиқ ижтимоий ислоҳотлар амалга оширилиб, етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни тарбиялаш ва ўқитиш тизимини такомиллаштириш, миллий ва жаҳон тажрибаси асосида инновацион тарбия технологияларини татбиқ этишга алоҳида эътибор қаратилди. Натижада меҳрибонлик уйларида шахсга йўналтирилган тарбия технологияларини кенг татбиқ этиб, моддий-техник ва услубий таъминоти такомиллаштирилди ҳамда Тошкент, Андижон, Самарқанд, Сирдарё ва Хива шаҳарларида Болалар шаҳарчалари ташкил этилиб, етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий тарбиялашнинг инновацион тизими ишлаб чиқилди. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантиришнинг бешта устувор йўналиши бўйича Ҳаракатлар Стратегиясида ҳам етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болалар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш, ижтимоий фаоллигини ошириш, турмуш шароитини яхшилаш масаласи устувор аҳамият касб этди.

Жаҳонда ва республикамизда етим ва ота-она қарамоғисиз қолган болаларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг модернизациялашган тарбия тизимини ишлаб чиқиш, уларда ижтимоий тажрибани шакллантиришнинг ижтимоий-педагогик параметрларини аниқлаштириш, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг диагностик тизимини такомиллаштириш, мослашувини таъминлашнинг педагогик механизмларини такомиллаштириш, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тарбиялашда давлат ва нодавлат ташкилотлар ҳамкорлигини таъминлашнинг интеграллашган моделларини ишлаб чиқиш, меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари девиант хулқ-атвори профилактикаси ва коррекциясига доир ижтимоий-педагогик технологияларни такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этади.

Меҳрибонлик уйларида ижтимоий тарбияни ташкил этишда юзага келадиган асосий муаммо-

лардан бири этник-миллий келиб чиқиши нуқтаи назаридан тарбияланувчиларни миллий қадриятлар руҳида тарбиялаш саналади. Республикада фаолият юритаётган деярли барча Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчилари турли миллат ва элатларга мансубдирлар. Тарбияланувчиларнинг байналмилаллик руҳида тарбияланишлари, уларда толерантлик ҳиссининг шаклланиши ижобий ҳолат, албатта. Бироқ, психологик нуқтаи назардан шахс ўзида миллий руҳият, миллий менталитет хусусиятларини ифодалай олиши ҳам зарур. Шу сабабли мазкур таълим муассасаларида таълим ва маънавий-маърифий ишлар жараёнида масаланинг ижобий ечимини топиш чора-тадбирларини белгилаш мақсадга мувофиқдир.

Тажриба-синов ишлари жараёнида самарали деб топилган шакллар ёрдамида ташкил этилган педагогик фаолият учун қуйидаги мавзулар танланди: «Оилавий ҳаёт асослари», «Балоғат бўсағасида» (суҳбат); «Балоғат ёшининг ўзига хос хусусиятлари» (гинеколог билан учрашув), «Қулоққа айтиладиган гаплар» (уролог билан учрашув); «Оила хўжалигини самарали юрита оласизми?», «Оилавий низоларнинг олдини олиш йўллари» (савол-жавоб); «Оилавий муносабатларни тўғри ташкил этиш шартлари», «ОИТС (СПИД): келиб чиқиш омиллари ва оқибатлари» (мини маъруза); «Сиз оила қуришга тайёрмисиз?» (қизлар иштирокидаги беллашув), «Сиз оила устунисиз, бек йигитлар!»(ўғил болалар иштирокидаги беллашув); «Балоғат ёшидаги хатолар», «Оилавий ҳаётда нима муҳим: муҳаббатми ёки ишонч?», «Репродуктив саломатлик: уни қандай асраш мумкин?» (баҳс-мунозара); «Замонавий оила: у қандай бўлиши керак?», «Менинг фикримча, бахтли оила – бу ...!» (дебат); «Самарали оилавий муносабатларнинг беш муҳим шарти», «Оила бюджети маблағларини оқилона сарфлашнинг асосий қоидалари» (тренинг).

Тадқиқот даврида Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини оилавий ҳаётга тайёрлаш мақсадида турли номларда ташкил этилган педагогик фаолият шаклларининг технологик лойиҳалар, интерфаол методлар, тарбияланувчиларнинг фаол иштироклари, мустақил фикр юритишларига асосланганлиги уларнинг самарадорлигини кафолатлади. Тадбирларнинг лойиҳалар асосида ташкил этилиши меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлашга ёрдам беради.

Демак, тажриба-синов ишларини ташкил этишга тизимли ёндашув кутилган натижаларни қўлга киритиш имконини берди. Тадбирларнинг муайян технологик лойиҳаларга асосланганлиги уларнинг самарадорлигини ошириш билан бирга, тарбияланувчиларнинг қизиқиш ва фаолликларини таъминлади.

Тарбияланувчиларда ижобий маънавий-ахлоқий хислатларни тарбиялашда уларнинг ёш хусусиятларини инобатга олиш мақсадга мувофиқдир. Шу боис тадқиқотни олиб бориш жараёнида тарбияланувчиларнинг ёш хусусиятларига таянган ҳолда тарбияланадиган ижобий хислатлар таркиби аниқланди.

Тарбияланувчилар томонидан ижтимоий-ахлоқий мезон, меъёрларнинг ўзлаштирилиши мураккаб жараён бўлиб, у ахлоқий мезонлар асосида шаклланган тартиб-қоидалардан хабардор бўлиш, уларнинг моҳиятини англаш, маънавий-ахлоқий қоидаларга риоя қилиш, ўз хатти-ҳаракатларини ижтимоий-ахлоқий тартиб-қоидалар асосида таҳлил қилиш, маънавий-ахлоқий қоидаларга риоя этишда йўл қўйилган хатоларни англаш ва уларни тузатиш тарзида амалга ошади.

Меҳрибонлик уйларида амалий педагогика ва психологиянинг устувор тамойиллари ўзига хос долзарблик касб этади. Бу, биринчи навбатда, тарбияланувчиларни улар учун қизиқарли бўлган доимий фаолият – бошланғич касбий, техник, бадиий, мусиқий, спорт ҳамда ижтимоий-фойдали меҳнатга жалб этиш лозимлиги билан тавсифланади.

Тадқиқот жараёнида маънавий-маърифий ишлар тизимининг ишлаб чиқилгани тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлаш имконини берди. Маънавий-маърифий тадбирлар сирасида тренинглар, баҳс-мунозаралар, кичик тадқиқотлар, шунингдек, беллашувларнинг ўрин олганлиги тарбияланувчиларнинг ижтимоий ҳаётга тайёрликни ифодалайдиган амалий кўникма ва малакаларга эга бўлишларини таъминлади.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашнинг устувор тамойиллари ва назарий ғояларини амалиётга татбиқ этиш ҳамда мазкур фаолият натижасини ўрганиш мақсадида тажриба майдонлари сифатида Фарғона водийси вилоятлари – Фарғона, Андижон ва Наманган вилоятларида жойлашган меҳрибонлик уйларидан синов ишларига жалб этилган респондент-тарбияланувчиларнинг сони жами 494 нафарни ташкил этди.

Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлашга оид махсус методикани амалиётга татбиқ этиш, унинг амалиёт учун мослиги ва самарадорлигини текшириш мақсадида жами респондентлар тасодифий танлов асосида тажриба ва назорат гуруҳларига жалб этилдилар. Натижада тажриба ҳамда назорат гуруҳларига бириктирилган респондент-тарбияланувчиларнинг сони тегишли равишда қуйидаги кўринишга эга бўлди (1-жадвал):

1-жадвал

Респондентларнинг тажриба ва назорат гуруҳлари бўйича сони

№	Меҳрибонлик уйлари	Респондент-тарбияланувчилар сони		
		Жами	Тажриба гуруҳлар	Назорат гуруҳлари
1.	Наманган шаҳридаги 26-сон	83	43	40
2.	Марғилон шаҳридаги 1-сон	126	61	65
3	Қўқон шаҳридаги 12-сон	110	57	53
4	Қўқон шаҳридаги 17-сон	80	38	42
Жами		494	245	249

Тажриба-синов ишларини ташкил этишда қуйидаги диагностик воситаларга асосланилди:

«Муассасанинг ижтимоий паспорти» методикаси («Оиланинг ижтимоий паспорти» асосида тайёрланган). Мазкур методика С.Л.Завражин, Л.К.Фортова ҳамда Д.Й.Махмудовалар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда самарали қўлланилган.

Меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилари ҳаётида мазкур муассаса муҳим ўрин тутади ва уларни ижтимоий ҳаётга тайёрлашда асосий ролни ўйнайди. Методика меҳрибонлик уйларининг тарбияланувчилар хулқ-атвори, дунёқараши ва ҳаётий қадриятларининг шаклланишига бевосита кўрсатувчи таъсирини ўрганишга хизмат қилади.

Методиканинг технологик лойиҳасида меҳрибонлик уйининг умумий ҳолати ҳамда фаолияти тўғрисидаги маълумотлар акс эттирилади. Жумладан, муассаса жамоасининг таркиби, иқтисодий таъминоти, моддий базаси, ижтимоий муҳит тавсифи, тарбияланувчиларнинг ҳудуд (маҳалла) кишилари (тенгдошлари) билан муносабатлари, бу муносабатлар жараёнида намоён бўлувчи аҳамиятли ижобий ҳолат, тарбияланувчилар ва атрофдаги кишилар ўртасида юзага келувчи низолар, муассаса фаолиятини ташкил этишда иштирок этувчи давлат ташкилотлари, жумладан, ҳомий ташкилотлар, ишлаб чиқариш корхоналари, бошқа турдаги муассасалар, муассаса фаолиятида қўлга киритилган ютуқлар, уларнинг асосий омил (манба)лари, ечимини кутаётган асосий муаммолар, уларнинг юзага келиш сабаблари, таълим-тарбия ишлари самарадорлигини ошириш йўллари, омиллари, жамият томонидан кўрсатилиши зарур бўлган ёрдам тури, муассасанинг ижтимоий тавсифига оид маълумотлар келтирилади. Мазкур маълумотлар билан танишиш натижасида ҳосил бўлган умумий тасаввур (хулоса) ҳамда шунинг негизида ишлаб чиқиладиган ҳаракат режаси ҳам муассаса паспортида қайд этилади.

2. «Шахс харитаси» Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларининг шахси ҳақида умумий маълумотларни қўлга киритиш имконини беради. Мазкур харита маълумотларига таянган ҳолда таълим ва тарбия жараёнида ҳар бир тарбияланувчига индивидуал ёндашиш имконияти юзага келади.

3. «Муҳим қадриятлар» методикаси ҳам С.Л.Завражин, Л.К.Фортова ҳамда Д.Й.Маҳмудовалар томонидан амалга оширилган тадқиқотларда келтирилган. Методика «Оилавий қадриятлар» методикаси асосида тайёрланган бўлиб, тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга муваффақиятли тайёрлашда аҳамиятли бўлган қадриятларни аниқлашга хизмат қилади.

4. «Мақтов сўзлар» методикасини қўллашдан асосий мақсад тарбияланувчиларни ижтимоий ҳаётга муваффақиятли тайёрлашдаги психологик зўриқишларни уларнинг шахсига нисбатан мақтов сўзларни билдириш орқали бартараф этишдан иборат.

5. «Қадрдон орзу» методикаси. Д.Й.Маҳмудова томонидан таклиф этилган мазкур методиканинг асосий ғояси тарбияланувчилардаги психологик зўриқиш ва тушкунликни уларнинг орзулари ёрдамида бартараф этиш, уларда руҳий кўтаринки кайфиятни ҳосил қилишдан иборат.

6. **«**Менликни англатувчи кўзгу» методикаси тарбияланувчиларда ўз шахсига нисбатан муҳаббат уйғотиш, шунингдек, уларнинг ўз кучи ҳамда имкониятларини тўғри баҳолашларига ёрдам бериш мақсадида ишлаб чиқилган.

7. «Қувноқ давра» методикаси. Д.Й.Маҳмудова томонидан ишлаб чиқилган мазкур методика тарбияланувчилар бошдан кечирган қувончли воқеа-ҳодисаларни ёдга олиш ёки ижодий ёндашув асосида тўқилган сюжет ёрдамида психологик зўриқиш ва тушкунликни бартараф этишдан иборат. Методика қувноқ вазиятларни тенгдошларга ҳикоя қилиб бериш асосида ўзаро фикр алмашиш, уларнинг бу вазиятдаги руҳий ҳолатларини ҳис қилиш имконини яратади. Ўзаро фикрий ва ҳиссий яқинлик эса психологик зўриқиш ҳамда тушкунликларни бартараф этишда таъсирдор кучга эга.

8. «Мен маъқул кўраман» номли табақавий-ташхис сўрови. Тадқиқотни олиб бориш даврида Е.А.Климов томонидан асосланган мазкур табақавий-ташхис сўров муаллифнинг шахсий ёндашувига кўра қисман қайта ишланди. Маълумки, мазкур

сўров Е.А.Климов томонидан ўтган асрнинг 80-йилларида асосланган бўлиб, сўров учун ана шу даврда ижтимоий субъектлар орасида оммавий бўлган касб ёки ҳунар турлари қабул қилинган.

Шундай қилиб, тажриба-синов ишларининг махсус методика асосида ташкил этилиши кутилган натижаларни қўлга киритиш имкониятини берди. Методика таркибига киритилган ҳар бир алоҳида метод ва методикалар меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга самарали тайёрлашнинг у ёки бу жиҳатларини ўрганишга хизмат қилди.

Адабиётлар:

1.Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони. // Ҳаракатлар стратегияси асосида жадал тараққиёт ва янгиланиш сари. – Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2017.

2. Эгамбердиева Н. Ижтимоий педагогика / Олий таълим муассасалари учун дарслик. – Т.: А.Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2009.

3.Асқарова Ў. Меҳрибонлик уйлари тарбияланувчиларини ижтимоий ҳаётга тайёрлаш тизими – Т.: Фан, 2010.

4. Ҳайдаров А. Инсон камолоти ва миллий-маънавий қадриятлар. – Т.: Муҳаррир, 2008. – 95 б.

5. Ҳимматалиев Д. Тарбиявий тадбирлар асосида талаба-ёшларнинг касбий маданиятини шакллантириш // Kasb-hunar ta’limi. – T.- 2002.- № 5-6.- Б.8

Наманган давлат университети,
2018 йил 18 майда қабул қилинган
(Тақризчи: доц. М.Ортиқова)